

**“Тасдиқланган”  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
Кенгаши томонидан  
2020 йил 24 июлдаги  
1-сонли Баённомаси**

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
бакалаврият ва магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 октябрдаги 4503-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 365-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси (кейинги ўринларда — Академия) бакалаврият ва магистратурасига номзодларни кўп босқичли танлов натижалари асосида танлаб олиш орқали ўқишга қабул қилишнинг тартиби, қоидалари ва шартларини белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари (кейинги ўринларда — талабгорлар) Академияга очиқ қабул асосида киришлари мумкин.

4. Академияда таълим, мулоқот, тажриба ва билимлар алмашинуви уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) амалга оширилади.

5. Бакалаврият ва магистратурага қабул Академия Қабул комиссияси (кейинги ўринларда- Қабул комиссияси) қарори ҳамда Академия Ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

6. Магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилиш 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб амалга оширилади.

7. Бакалаврият мутахассисликлари бўйича биринчи курсга ўқишга қабул қилиш 2022-2023 ўқув йилидан бошланади.

8. Бакалаврият таълим йўналишларида ўқиш муддати кредит-модуль тизими бўйича 48 ойни ташкил қилади.

9. Магистратура таълим йўналишларида ўқиш муддати кредит-модуль тизими бўйича 12 ойни ташкил қилади.

10. Таълим қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

кундузги таълим (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, норматив ва қисқартирилган муддатларда (анъанавий ва масофавий технологиялар асосида).

масофавий ва кечки таълим (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, норматив ва қисқартирилган муддатларда (анъанавий ва масофавий технологиялар асосида).

11. Бакалаврият ва магистратура дастурлари бўйича давлат гранти ҳисобидан ўқиш (белгиланган квота доирасида) фақат давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотлари ходимлари учун белгиланади.

12. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Академия Кенгаши томонидан тасдиқланадиган квотага мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишлари мумкин.

13. Академия битирувчиларига тегишли мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги диплом асосида бакалавр ва магистр даражаси берилади.

14. Академия магистратураси битирувчиларига чет эл олий ўқув юртлари билан тузилган шартномалар доирасида тегишли мутахассисликлар бўйича «икки диплом» (double degree) модели асосида давлат намунасидаги диплом ва магистр даражаси берилиши мумкин.

## 2-боб. Талабгорларни ўқишга қабул қилиш ва танлаб олиш тартиби

15. Талабгорлар қуйидаги бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларига ҳужжат топширишлари мумкин:

Билим соҳаси:	200000	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	230000	Иқтисод
<b>Бакалаврият таълим йўналишлари:</b>		
Таълим йўналишлари:		
<b>Бизнесни бошқариш бакалаври (BBA)</b>		
	5230700	Банк иши
	5230600	Молия ва молиявий технологиялар
<b>Бакалавр (BSc)</b>		
	5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
<b>Магистратура мутахассисликлари:</b>		
Мутахассисликлар номи		
<b>Бизнесни бошқариш магистри (MBA):</b>		
	5A230701	Банк иши
		Молия ва молиявий технологиялар
<b>Магистр (MSc)</b>		
	5A230601	Давлат молиясини бошқариш
	5A230801	Солиқлар ва солиққа тортиш
	5A233703	Иқтисодиётни монетар тартибга солиш
	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби, аудити ва назорати
	5A233707	Пенсия фондларини бошқариш

16. Талабгорлар очик танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этадилар:

а) таълим йўналиши, мутахассислиги, шакли, тили ва ўқиш шакли кўрсатилган ҳолда Академия томонидан белгиланган шаклдаги ариза. Аризалар Академия веб-сайтида онлайн тарзда топширилади;

б) ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ёки коллеж дипломи (бакалаврият учун), олий маълумот тўғрисидаги диплом (ёки дипломдан кўчирма — Ўзбекистон

Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ва унинг иловаси (магистратура учун);

в) паспорт нусхаси ва ҳарбий мажбурият гувоҳномаси.

17. Бакалавриат таълим йўналишларига аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш 1 августдан 20 августга қадар амалга оширилади. Магистратура мутахассисликларига аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш 1 августдан 1 сентябргача қадар амалга оширилади.

18. Танлов номзодлари кўп босқичли саралашдан ўтадилар. Танловнинг биринчи босқичи кейс-чемпионат шаклида ташкил қилинади ва ушбу Низомнинг 1-илоvasида тасдиқланган тартибда ўтказилади.

19. Академияда ўқиш ёки ўқишини давом эттириш истагида бўлган чемпионат ғолиблари Академияга кириш учун зарур маълумотларни киритган ҳолда номзод аризасини тўлдиришлари керак (Академия веб-сайтида), шу жумладан:

а) танланган мутахассислик (ушбу босқичда бир нечта мутахассисликларни танлаш мумкин);

б) таълим шакли ва тили;

в) бошқа маълумотлар (Академия талабига мувофиқ).

20. Кириш имтиҳонларини топшириш даврида Академия ректорининг буйруғига асосан Академия илмий-педагог ходимлари ва кадрлар Буюртмачилари таркибидан иборат имтиҳон ва апелляция комиссиялари ҳамда Академия ходимлари таркибидан иборат прокторинг комиссияси ташкил қилинади.

21. Прокторинг билан тест синовларида тўлиқ иштирок этишни таъминлаш учун номзод ўз компьютер техникасини Талабларга мувофиқлигини таъминлаши шарт (Низомга 2-илова).

22. Иштирокчининг интернетга барқарор уланишини таъминлаш унинг ўз зиммасидаги мажбуриятдир. Тест синовларини топшириш вақтида алоқа узилиб қолса, видео сигнал йўқолиб қолса иштирокчи синовдан четлатилиши мумкин.

23. Тестлар онлайн тарзда мустақил провайдер платформасида ушбу Низомнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қўйидаги учта йўналишда ўтказилади:

а) матн маълумотлари билан ишлаш;

б) рақамли маълумотлар билан ишлаш;

в) маълумотлар билан ишлашда хушёрлик (мантиқ).

Тестлар чет тилида ўтказилади, тест топширувчи инглиз ёки рус тилларидан бирини танлаши мумкин.

24. Тест топширувчи Қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда мустақил равишда тест топширади. Тест топширувчи ва Қабул комиссияси тест натижаларини бир вақтнинг ўзида мустақил провайдер томонидан автоматик тарзда олади.

25. Тест натижалари Академия веб-сайтида тест топширилгандан сўнг бир кун ичида эълон қилинади. Тест топширган номзодларнинг умумий рейтинги учта йўналишда топширилган тестларнинг ўртача кўрсаткичи бўйича аниқланади.

26. Тест синовлари Қабул комиссияси томонидан белгиланган муддатларда яқунланиши керак. Тест синовларини ўз вақтида топширмаганлар, сабабларидан қатъий назар, кейинги босқичларга ўтказилмайди.

27. Қабул комиссияси, тест синовлари яқунлангандан сўнг бир иштирокчининг учта йўналишдаги максимал эришилган курсаткич йиғиндисининг 50%дан кам

бўлмаган бални ўтиш бали сифатида белгилайди ва финал ғолиблари (муваффақиятли ўтган номзодлар) рўйхатини шакллантиради.

28. Финал ғолиблари кадрлар Буюртмачилари (имтиҳон комиссияси аъзолари) билан Регламент асосида бўлиб ўтадиган онлайн суҳбатга таклиф қилинадилар (Низомга 4-илова).

29. Кадрлар Буюртмачилари суҳбат натижаларига кўра финал ғолибларига қуйидаги шароитларни таклиф қилишлари мумкин, ушбу шароитлар чекланишни англатмайди:

- Академияда ўқиш учун тўлиқ грант;
- мутахассислик бўйича 0,5 ставка иш таклифи;
- раҳбарнинг шахсий мураббийлиги;
- шахсий лавозим бўйича режалар;
- таълим кредити (имтиёзли шартлар асосида).

Финал ғолиби бир нечта кадрлар Буюртмачилари томонидан суҳбат учун танланиши мумкин. Иш берувчини танлаш бўйича якуний қарор ғолиб номзод томонидан (аризага асосан) суҳбат тугаганидан сўнг, уч кун ичида Қабул комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга асосан амалга оширилади. Ёзма ариза сканер қилинган электрон шаклда онлайн ёки электрон почта орқали топширилиши мумкин.

30. Финал ғолиби иш берувчиларнинг таклифларидан воз кечишга, мустақил равишда ёки бошқа манбалар ҳисобидан ўз ўқишини молиялаштиришга ҳақли. Ўқишни мустақил равишда ёки бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирмақчи бўлган танлов ғолиблари Академия томонидан белгиланган тартибда тўлов-контракт нархини тўлаш мажбуриятини олади.

31. Номзодга қуйидаги сабабларга кўра танловда қатнашиш ва ўқишга қабул қилиш рад этилади:

- а) кейс чемпионат натижаларига кўра, жамоа 55 балдан кам балл тўплаган бўлса;
- б) тест натижалари бўйича Қабул комиссияси белгилайдиган ўтиш балидан кам балл тўплаган бўлса;
- в) кадрлар Буюртмачилари томонидан номзод билан суҳбатлашишга ариза мавжуд бўлмаса;
- г) кадрлар Буюртмачилари томонидан номзодга иш таклиф қилинмаса.

32. Академия ректорининг қарорига биноан, белгиланган квота доирасида ғолиблар орасидаги давлат органлари ва давлат идоралари ҳодимлари бўлган иқтидорли номзодлар давлат гранти асосида қабул қилинадилар. Академия, Кенгаш билан келишилган ҳолда, ректорнинг қарорига асосан финал ғолиблари орасидан, энг иқтидорли номзодларга шахсий грантлар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

33. Кириш имтиҳонларининг натижалари қуйидагича расмийлаштирилади:

- а) Тест синовлари – тест натижалари варақаси;
- б) Суҳбатлар - баённома;
- в) Якуний баҳолар – баҳолар варақаси.

34. Танлов натижаларига кўра, қабулнинг барча параметрларини акс эттирган Қабул комиссиясининг баённомаси тузилади, унда:

- а) талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- б) СТИР;
- в) мутахассислиги;
- г) Академия томонидан белгиланган тартибда бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.

35. Қабул умумий натижаларига кўра, энг камида 15 кишилик гуруҳ учун етарли талаба йиғилмаса режалаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлар очилмайди ва номзодларга бошқа таълим йўналишлари ва мутахассисликларга ўқиш таклиф қилинади.

36. Ўқишга қабул қилинган талабаларнинг шахсий жилди шакллантирилган ва шартнома имзолангандан кейин Академия ректорининг буйруғига асосан талабаларга белгиланган тартибда дарсга қатнашишга рухсат берилади.

37. Апелляция комиссиясига шикоят аризалари қабул натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида Апелляция комиссияси раиси номига берилади. Апелляция комиссияси шикоят аризаларини улар келиб тушган кундан бошлаб уч кундан ошмаган муддатда кўриб чиқади.

38. Академия магистратурасига кириш имтиҳонларини қайта топшириш таъқиқланади.

39. Махсус корпоратив ўқув дастурлари бўйича Бакалавриат ва Магистратурага қабул қилишни ташкил қилиш жараёни алоҳида Низом билан белгиланади.

40. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.